

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**БОТИРОВ АБДУРАСУЛ ЖУМАЕВИЧ**

**ТИМПАНОПЛАСТИКАДА КСЕНОТРАНСПЛАНТАТ ҚЎЛЛАШНИ  
КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ботиров Абдурасул Жумаевич**

Тимпаноластикада ксенотрансплантат қўллашни клиник-экспериментал асослаш .....

3

**Ботиров Абдурасул Жумаевич**

Клинико-экспериментальное обоснование применения ксенотрансплантата при тимпанопластике .....

25

**Botirov Abdurasul Jumaevich**

Clinical and experimental rationale for the use of xenograft in tympanoplasty.....

47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**БОТИРОВ АБДУРАСУЛ ЖУМАЕВИЧ**

**ТИМПАНОПЛАСТИКАДА КСЕНОТРАНСПЛАНТАТ ҚЎЛЛАШНИ  
КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси миявуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Г1b333 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsd.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Миткулиев Хайитбай Миткулиевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:** Гусейнов Назим Маматович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Боку, Озарбайжон)

Арифов Сайфиддин Сидязимович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Сеул Миллий Университети (Корея)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Г1b.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» сентябр соат 11:30 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73; e-mail: info@tsdi.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (3 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» сентябр кuni тарқатилди (2021 йил «14» сентябр даги № 3 рақамли реестр баённомаси)



*Handwritten signatures in blue ink:*  
1. A large signature, likely of N.K. Xaydarov.  
2. A smaller signature, likely of J.E. Xasanova.  
3. Another signature, likely of A.A. Abdulkayumov.

**Н.К.Хайдаров,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Л.Э.Хасанова,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.А.Абдуқайумов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотига кўра, «... дунё аҳолисининг қарийиб 15% эшитиш заифлигига эга, бу эса инсонларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилишларини қийинлаштиради ва уларнинг касбий фаолиятини чеклайди, болаликда эса нутқ ривожланишининг кечикишига олиб келади...»<sup>1</sup>. Қатор муаллифларнинг келтирган маълумотлардан кўриниб турибдики «... эшитишнинг сенсоневрал типдаги заифлашуви 48-70% ҳолатларда, аралаш типдаги эшитишнинг заифлашуви 18,9-33,3% ва кондуктив типда заифлашуви эса 11,1-18,7%ни...»<sup>2</sup> ташкил этади. Сурункали ўрта отит билан хасталанган беморларда йиринг оқиш вақтининг алоҳида даврларида эшитиш қобилияти яхшиланишининг кузатилиши анча илгари таъкидлаб ўтилган. Мазкур ҳолат тимпанал мембрана перфорациясини вақтинча беркитиш учун қўлланиладиган «сунъий» ноғора пардаларнинг кашф этилишига туртки бўлди. Уларни қўллашдаги ноқулайликлар ва ўрта қулоқнинг қўшимча инфицирланиш эҳтимоллигининг юқорилиги туфайли XIX асрнинг охиридан бошлаб тимпанал мембрананинг турли протезлари камдан-кам қўлланила бошланди, ҳозирги даврда эса фақатгина дифференциал ташхис қўйиш ва эшитиш қобилиятини яхшилашга қаратилган жарроҳлик аралашувларига кўрсатмаларни аниқлашда қўлланилмоқда. Беморларда сурункали ўрта отит касаллиги мавжуд беморлар саломатлик ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда тимпанопластикада ксенотрансплантат қўллашни клиник-экспериментал асослашни қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қулоқнинг турли соматик касалликларнинг ривожланишида эндоген ва экзоген омилларининг таъсирини асослашдан иборат. Тажриба куёнларида тимпанопластикада умуртқанинг орқанинг чуқур бўйлама мушаги фасцияси ва ксенотрансплантат қўй перикардини қўллаш натижасида турли муддатларда ксенотрансплантатдаги морфологик ўзгаришларни асослашдан иборат. Сурункали ўрта отитли беморларда тимпанопластикада ауто- ва ксенотрансплантатларни қўллашнинг аудиологик кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда эшитув анализаторининг клиник ва функционал кўрсаткичларининг динамикасига асосланиб ксенотрансплантатни тимпанопластикада қўллаш самарадорлигини баҳолашдан иборат. Тимпанопластика амалиётида ксенотрансплантатни қўллашнинг кўрсатмаларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, эшитиш тизими касалликларни тарқалиши олдини олиш ва асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва

---

<sup>1</sup>ЖССТнинг ташкилотининг йиллик ҳисоботлари

<sup>2</sup> Андрей Александрович Якшин: Оптимизация послеоперационного ведения пациентов с мезотимпаниом после тимпанопластики // Автореф. дисс... канд. мед. наук. – М., 2013.

оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар сурункали ўрта отитларнинг замонавий ташхислаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тимпанопластиканинг функционал ижобий натижалари кўпинча ноғора бўшлиқ енгиллигининг сақланганлиги ҳамда неотимпанал мембрананинг оптимал табиий сатҳда ўрнатишга боғлиқ бўлади. Шунинг учун тимпанопластика жарроҳлик амалиётининг пайдо бўлиш вақтидан ҳозирги кунга қадар сурункали ўрта отит билан оғриган беморларни даволашнинг морфологик ва функционал натижаларини яхшилашга қаратилган ҳамда уни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича кўп сонли тадқиқотлар олиб борилмоқда (Ralli G., 2010; Kartush J.M. et al., 2012). Баъзи муаллифлар палисад тоғайнинг яхши эшитиш қобилиятини таъминлай олмаслигини таъкидлаб ўтади, чунки ноғора парда жуда қалин бўлиб, тоғай эса янада зичроқ мулоқотда бўлгани учун болғача дастасидан пастроқда жойлашиб, ноғора бўшлиғининг ҳажмини камайишига олиб келади (M.Tos 2014). Тимпанопластика жарроҳлик амалиёти учун кулоқ супраси чуқурчаси тоғайини қўллаш самарали, чунки муаллифнинг фикрича, у кулоқ супчаси тоғайига нисбатан янада юқароқдир (G.F.Moore 2012).

Кулоқдаги яллиғланиш жараёнининг авж олиши тўхтатилгандан сўнг,

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тимпанопластикани амалга ошириш муддатлари турлича бўлиб, 7-14 кундан 6 ойгача муддатни ташкил этади. Трансплантатни медиал ётқизиш яхшироқдир, бироқ, катта нуқсонларда латерал ётқизиш рационал ҳисобланади (Р.А.Забилов ва ҳаммуаллифлар, 2011; Ю.К.Янов, В.И.Егоров, А.В.Козаренко, 2013). Тимпанопластикадан кейинги такрорий нуқсонларнинг сабабларидан бири, ўтказилган лахтакнинг ноғора ҳалқасининг проекциясига нисбатан силжишидир. Трансплантатнинг ноғора ҳалқаси сатҳидаги мустаҳкамлигининг ишончлигини ошириш учун айрим муаллиф томонидан неотимпанал трансплантат фиксатори ишлаб чиқилган бўлиб, муаллиф уни ноғора парданинг субтотал ва тотал нуқсонларида қўллашни тавсия этади. Неотимпанал лахтакни мустаҳкамлашнинг мазкур усули қўлланилганда 70% мижозларда яхши морфологик натижаларга эришилган (Ю.А. Кротов 2011).

Ўзбекистонда сурункали йирингли ўрта отитларнинг замонавий ташхиси ва самарали даволаш усули ишлаб чиқилган (Ш.Э.Амонов, У.Б.Мухитдинов, 2020) бироқ, сурункали ўрта отит билан хасталанган беморларда тимпанопластика жарроҳлик амалиётида ксенотрансплантат қўллашни клиник-экспериментал жиҳатдан асослаш борасида тадқиқотлар олиб борилмаган. Аллақачон сурункали йирингли ўрта отитни даволашнинг жарроҳлик усулларида сўрғичсимон ўсиқ мастоидопластикаси учун ксенотрансплантат кўзичоқ деминераллаштирилган суяк тўқимасини қўллаб яхши натижа олган. Муаллиф ксенотрансплантат кўзичоқ деминераллаштирилган суяк тўқимаси сўрғичсимон ўсиқ облитерация бўшлиғида остеобластлар ва янги суяк тўқимасини ҳосил бўлишини тезлаштиришини клиник экспериментал исботлаган (Амонов Ш.Э. 2011). Айрим муаллифлар ўрта қулоқда яллиғланиш жараёнини қанча узок муддат давом этиши беморда шунчалик товуш ўтказув типда эшитишни заифлаштиришини ўз илмий тадқиқотларида аниқлашган (Арифов С.С. ва б. 2014).

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда дунё бўйича охириги йилларда турли мақола ва маърузаларда ўрта қулоқнинг деструктив жараёнларини ривожланиши беморнинг консерватив ҳаттоки оператив давосидан кейин ҳам турғун бўлмаган ремиссия учраши ва ўрта қулоқда қайта жарроҳлик амалиётини бажарилаётгани ҳақида маълумотлар учрамоқда. Шу сабабдан сурункали ўрта отит касаллигида тимпанопластика жарроҳлик амалиётида трансплантатларни қўлаш муаммоси долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01997390385 «Асосий оториноларингологик касалликларнинг ташхислаш, даволаш ва оқилона олдини олиш усуллариининг янги йўллариини излаш» (2014-2018 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** тимпанопластика жарроҳлик амалиётида ксенотрансплантатни қўллашнинг самарадорлигини клиник-экспериментал

баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажриба қуёнларида типаноластикада ауто (орқанинг чуқур бўйлама мушаги фасцияси) ва ксенотрансплантат қўй перикардини қўллаш, турли муддатларда ксенотрансплантатдаги морфологик ўзгаришларни баҳолаш;

сурункали ўрта отитли беморларда тимпаноластикада ауто- ва ксенотрансплантатларни қўллашнинг аудиологик кўрсаткичларини баҳолаш;

эшитув анализаторининг клиник ва функционал кўрсаткичларининг динамикасига асосланиб ксенотрансплантатни тимпаноластикада қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

тимпаноластика амалиётида ксенотрансплантатни қўллашнинг кўрсатмаларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг виварийсида 28 та наслсиз қуёнларда тимпаноластика жаррохлик амалиёти бажарилгандан кейин, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва InVivo хусусий шифоналарида даволанган 189 нафар беморлар олинган бўлиб, улардан асосий гуруҳни 110 нафар беморларда ксенотрансплантат, назорат гуруҳига 79 нафар беморлар олинган бўлиб, уларда чакка мушагининг хусусий фасцияси билан тимпаноластика амалиёти олиб борилган.

**Тадқиқотнинг предмети** тажриба ҳайвонлари, наслсиз қуёнларнинг ноғора пардаси, сурункали ўрта отит билан хасталанган беморлар ксенотрансплантат, шунингдек, қоннинг умумий таҳлили ва биокимёвий текширув учун периферик веноз қон, шивирлаш ва сўзлашув нутқи, эшитув паспорти материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, эндоскопик, радиологик, инструментал, биокимёвий ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тимпаноластика жаррохлик амалиётларида тузилиши бўйича ноғора пардага яқин бўлган қўй перикардидан тайёрланган ксенотрансплантат қўлланилиши исботланган;

сурункали ўрта отитда ноғора парданинг перфорациясида ксенотрансплантат жойлаштирилган соҳасида турли хил муддатларда ёш лимфо-гистоцитар хужайралардан толали тузилмалар шаклланиши ва ижобий битиш жараёни аниқланган;

илк бор клиник амалиётда ноғора парданинг субтотал ва тотал нуқсонларида неотимпанал мембрананинг шакллантиришда ксенотрансплантатни ўрнатилиш тартиби исботланган;

илк бор ноғора парданинг пластик жаррохлик амалиётида ксенотрансплантатни қўллашнинг клиник-функционал текширув натижалари ва баҳолаш мезонларига асосланиб самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

тимпаноластика жаррохлик амалиётида янги материал ксенотрансплантат (қўй перикарди)дан фойдаланиш таклиф этилган;



тимпанопластика жарроҳлик амалиёти материал харажатларини камайтириш ва анъанавий трансплантатларга қараганда кўпроқ атравматик ҳисобланган;

тимпанопластика жарроҳлик амалиётида қўлланилаётган ксенотрансплантатни “ромашка” усулида ўрнатилиши жарроҳлик амалиётдан кейинги трансплантат ўрнатилган ўрни атроф тўқималар билан битиб кетиш жараёнларини тезлаштиришга самарали усул ҳисобланган;

сурункали ўрта отит билан хасталанган беморларда ноғора парданинг субтотал ва тотал перфорацияларида ксенотрансплантат қўй перикардини қўллаш неотимпанал мембрананинг ноғора бўшлиғига медиализацияси ва реперфорациясини камайтириш ва юқори ижобий морфо- функционал натижа берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, эндоскопик, радиологик, инструментал, биокимёвий ҳамда статистик тадқиқот усулларида тимпанопластикада ксенотрансплантат қўллашни клиник-экспериментал асослаш натижасида халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулосалар ва таклифлар сурункали ўрта отит билан касалланган беморларда касалликнинг клиник-функционал, эндоскопик, морфологик, отомикроскопик, қон биокимёвий текширув усуллари, ўзига хос хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшиши илмий исботланган, шунингдек, даволашнинг самарали алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган даволаш алгоритми даволаш тактикасини татбиқ қилиш сифатини оширади ҳамда тааллуқли равишда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини ошириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тимпанопластикада ксенотрансплантат қўллашни клиник-экспериментал асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тимпанопластиканинг самарадорлигини ишончли тарзда яхшиланишига қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали ўрта отит билан хасталанган беморларда тимпанопластика амалиётида ксенотрансплантатни қўллашни клиник-функционал самарадорлигини баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 8н-р/194-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали отит билан хасталанган беморларда касалликни эрта ташхислаш, беморларни кузатиш орқали беморларнинг

хасталик туфайли асоратлари ва ногиронликнинг олдини олиш имконини берган;

экспериментал тимпаноластикага оид илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган «Экспериментал тимпаноластикада трансплантатларни қўллашнинг морфологик натижалари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 03 августдаги 8н-р/266-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома экспериментал изланишларда ксенотрансплантатни қўллашнинг морфологик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда тимпаноластика жарроҳлик амалиётида ушбу трансплантатни қўллашнинг юқори самарадорлигини ошириш имконини берган;

Тимпанопластикада ксенотрансплантат қўллашни клиник-экспериментал асослаш бўйича олинган илмий натижалар такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонаси оториноларингология бўлими, Республика патологик анатомия маркази ва ProfMedService шифохонаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 ноябрдаги 8н-д/177–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши сурункали ўрта отит билан хастланган беморларда даволаш самарадорлигини ошириш, беморларнинг эшитиш қобилиятини яхшилаш, беморларнинг умр кўриш даврийлигини узайтириш, даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш, беморларнинг ҳаёт сифатини 25%га яхшилаш, ижобий жарроҳлик самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали ўрта отитда тимпаноластика жарроҳлик амалиётида трансплантатларни қўллашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг мушоҳадаси келтирилган. Сурункали ўрта отит касаллигини муаммоларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар, касалликнинг этиологияси, патогенези, дифференциал ташхисоти, клиник белгиларининг тавсифини оториноларингологик амалиётдаги аҳамияти, ташхислаш, замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Сурункали ўрта отитда тимпаноластика жарроҳлик амалиётини қўллаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг ЛОР бўлимида 189 нафар бемор текшируви натижалари келтирилган бўлиб, 2007-2019 йилларда даволанган. Беморларнинг касаллик тарихи ва текшириш натижалари ўрганилган. Беморларнинг 76 (40,2%) нафарини эркаклар, 113 (59,8%) нафарини аёллар ташкил этади (1:1,5). Беморларнинг ёши 19 ёшдан 60 ёшгача бўлиб ( $32,1 \pm 10,1$  ёш), уларнинг ярмидан кўпи (116 нафар бемор – 61,4%) 30-40 ёш оралиғида бўлган. Касаллик тарихидаги маълумотларнинг кўрсатишича, сурункали ўрта отит касаллигида тез-тез учрайдиган белгилар эшитишни заифлашуви (92,1%), кулоқларни битиш ҳиссиёти (29,6%) ва кулоқда вақтинчалик шовқин (19,6%), кулоқда доимий шовқин (7,4%) бўлган.

Сурункали ўрта отит билан касалланган беморлар тимпаноластика жарроҳлик амалиётида трансплантатларни қўлланилиши турига кўра икки клиник гуруҳларга ажратилди. 1 гуруҳга сурункали ўрта отит билан касалланган 110 нафар бемор олиниб, бу гуруҳдаги беморларга тимпаноластика жарроҳлик амалиётида ксенотрансплантат қўлланилди. 2 гуруҳга сурункали ўрта отит билан хастланган 79 нафар бемор кирди, ушбу гуруҳдаги беморларга тимпаноластика жарроҳлик амалиётида аутотрансплантат қўлланилган. Ҳар бир беморда клиник ва функционал текширувлар ўтказилди: шикоят ва анамнестик маълумотларни баҳолаш; ЛОР-аъзоларининг кўриги; бурун ва бурун-халқум бўшлиғининг эндоскопик текшируви; ўрта кулоқ ва сўрғичсимон ўсимта компьютерли томографияси, 3Д рентгени; кулоқ отомикроскопияси; клиник-экспериментал текширув; қоннинг умумий таҳлили ва биокимёвий текшириш олиб борилган.

Олинган рақамли маълумотларнинг ўртача арифметик қиймати, унинг хатолиги ва ишончлилик даражаси 95% эҳтимолий даража бўйича аниқланди.

Диссертациянинг «**Экспериментал тимпаноластикада ауто ва ксенотрансплантатнинг битишининг морфологик текширув натижалари**» деб номланган учинчи бобида 28та наслфиз куёнларда экспериментал тимпаноластика жарроҳлик амалиётида ауто ва ксенотрансплантатларни қўллашнинг морфологик текширув натижалари таҳлил қилинган. Сурункали ўрта отит (СКМ) моделлаштирилгандан сўнг 8 ҳафта ўтгач, экспериментал куёнларнинг чап кулоғида тимпаноластика

жарроҳлик амалиётида аутотрансплантант орқанинг чуқур мушаги фасцияси қўлланилди. Тимпаноластика жарроҳлик амалиётидан 3 кун ўтгач фасция атрофида деструктив дисциркулятор ўзгаришлар аниқланди. Деструктив ўзгаришлар юмшоқ тўқималарнинг травматик юмшаши ва суюлиши кўринишида намоён бўлиб (1-расмга қаранг), уларнинг қатламларида қон қуйилишлар ва тромб ҳосил бўлишининг ривожланиши аниқланди.

1-расм. Оперциянинг 3- куни. Аутотрансплантат фасцияни толали тутамларини ёзилиши (ТТЁ), шиш (Ш) ва деструктив ўзгаришларни (ДЎ) пайдо бўлиши. Бўялиш:гемадоксиллин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.	2-расм. Оперциянинг 3- куни. Қон томирларни кенгайиши (КК), диапедез қон қуйилишлар (ДҚК) ва лейкоцитар инфильтрацияни (ЛИ) пайдо бўлиши.Бўялиш:гемадоксиллин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.
---	--

Фасция тўқимаси тадқиқотнинг ушбу муддатида бир оз юмшаган бўлиб, толалараро шишиш ҳамда қисмлараро модданинг издан чиқиши ҳисобига хиралашиш ва фасция оқсил компонентининг гипохормазияси кўринишида толали қисмлар бўялувчанлигининг йўқолиши кузатилади.

Ўтказилган фасция атрофида асосан микроциркуляр оқим томирлари ва венулаларнинг кенгайиши аниқланади. Бу ҳолатда томирлар кенгайган, деворлари нозик бўлиб, периваскуляр шишиш ва диапедез қон қуйилишлар кузатилади (2-расмга қаранг). Томирларларнинг ораликларида, асосан посткапилляр венулаларда периферик жойлашган лейкоцитлар ва моноцитларнинг атрофдаги тўқималарга трансэндотелиал ўтиш йўли орқали миграцияси кузатилади. Деструктив ўзгарган тўқималар тўплами атрофида юқори фагоцитар фаолликга эга бўлган макрофаглар пайдо бўлади (3-расмга қаранг).

3-расм. Оперциянинг 3- куни. Трансплантат атрофида макрофаглар фаоллашуви (МФ) ва яллиғланиш инфильтратини (ЯИ) пайдо бўлиши.Бўялиш:гемадоксиллин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.	4-расм. Тимпаноластикадан 1 ойдан сўнг. Аутотрансплантатни ташқи юзасида тўлиқ эпителизация (Эпя)ланиш ва эпителий остида зич толали тузилма (ТТ)ларни пайдо бўлиши.Бўялиш:гемадоксиллин ва эозин билан.Кат:ок.10, об 20.
--	---

Морфологик текширувларнинг натижаси кўра, аутологик фасция кўчирилишидан 1 ой ўтгандан сўнг, ноғора парда зонасида сурункали отит негизида фасциянинг атрофдаги юмшоқ тўқималар билан тўлиқ битишиб кетганлиги аниқланди. Ташқи эшитув йўли томонидан аутотрансплантат юзасида тўлақонли кўп қаватли ясси эпителийнинг ривожланиши билан бирга тўлиқ эпителизация кузатилади (4-расмга қаранг).

Трансплантатнинг ички томони юза қисмида кўп қаторли призматик эпителийнинг ривожланиши аниқланди. Эпителий остида базал мембрана бир оз қалинлашган ва нотекис, гомоген эозинофил тўплам кўринишида намоён бўлади (5-расм). Базал мембрана остида фақатгина аутолитик фасция атрофида макрофагал ва фиброцитар келиб чиқишига эга бўлган баъзи бир ҳужайрали элементларнинг сақланиб қолганлиги кузатилади. Ўтказилган фасциянинг ўрта қисми бирор-бир ҳужайрали элементлар ва томирли тузилмаларсиз янада қаттиқроқ ва гомоген бўлиб қолади.

5-расм. Тимпаноластикадан 1 ойдан сўнг.	6-расм. Тимпаноластиканинг 3-куни.
---	------------------------------------

<p>Аутогрансплантатни ички юзасида эпителизация ва бу куп қаватли кубсимон эпителий қавати остида толали тузилмаларни шаклланиши. Бўялиш: гематоксилин ва эозин билан. Кат: ок. 10, об 20.</p>	<p>Ксенотрансплантатда қон томир(ҚТ) элементларини пролиферацияси, атроф тўқималарда лейкоцит ва моноцитларни миграцияси, толали тузилма(ТТ)ларни ёзилиши атрофида шиш(Ш) пайдо бўлиши. Бўялиш: гематоксилин ва эозин билан. Кат: ок. 10, об 20.</p>
--	--

Тимпаноластикада қўй перикардидан тайёрланган ксенотрансплантатнинг морфологик текширувлари натижаси тадқиқотнинг 3 суткасида тимпаноластика соҳасида ва унинг атрофида микроциркулятор оқим томирларида қон тўлиши, периваскуляр зонага диапедез қон қуйилиши, пасткапилляр венулалар ва чекка қисмда жойлашган оқ қон таначаларининг кенгайиши кўринишидаги дисциркулятор ўзгаришларни кўрсатди. Бевосита ўтказилган перикард атрофидаги ушбу ўзгаришлар ташқи эшитув йўли девори юмшоқ тўқималарида қон қуйилишлари, юмшалишлар ва фибриноид некроз рўй бериши билан кузатилди. Қон томирлари кенгайган, улар эндотелиал хужайралардан ташкил топган янги томирли куртакчалар кўринишидаги пролиферация ҳолатида (6-расмга қаранг).

Уларнинг деворида эндотелиал ҳамда перицитар хужайраларнинг пролиферацияси кузатилади. Томирлар оралиғида, айниқса, посткапилляр венулаларда қондаги нейтрофил лейкоцитлар ва моноцитларнинг чекка қисмда жойлашганлиги аниқланган бўлиб, уларнинг баъзилари венулаларнинг деворига кўчиб ўтади ва томирлар атрофида катта бўлмаган хужайрали инфилтрацияни шакллантиради. Ўрта қулоқ юмшоқ тўқималарининг ўрта қобиқларидаги бириктирувчи тўқимали толали тузилмалар яллиғланиш хужайралари билан фрагментация ва инфилтрация ҳолатида бўлади. Ўрта қулоқ юмшоқ тўқималарининг юқорида келтирилган морфофункционал ўзгаришлари операцион шикастланиш ва ксенотрансплантатга нисбатан ўткир дисциркулятор, шишли-деструктив ўзгаришларнинг ривожланишидан далолат беради.

Ўтказилган перикард томонидан ташқи юза қисмининг юмшалиши ва гомогенлашуви аниқланди. Толали қисмлар тартибсиз жойлашган, гомогенлашган ва гематоксилин билан янада интенсив базофил бўялган фибриноид некроз қаватини шакллантиради ( 7-расмга қаранг). Перикард ўрта қобиғининг толали қисмлари шиши, юмшалиш ва бир оз бўкишга учраган. Бу ҳолатда перикард ўрта қаватларининг хужайрали элементлари ядроли тузилмалар ҳамда цитоплазма элементларини яшаб ўтган ҳолда бўкиш кўринишида бўлган.

<p>7-расм. Тимпанопластиканинг 3-куни. Перикард ташқи қаватида некроз(Не) пайдо бўлиши, ўрта қават толали тузилмаларни ёйилиши. Бўялиш: гематоксилин ва эозин билан. Кат: ок. 10, об 20.</p>	<p>8-расм. Тимпаноластикадан 1 ойдан сўнг. Ксенотрансплантат таркибидаги толали тузилмаларни дифференциаллашиши ва зичлашиши. Трансплантат таркибидаги хужайравий элементларни сонини камайиши. Бўялиш: гематоксилин ва эозин билан. Кат: ок. 10, об 40.</p>
--	--

Ксенотрансплантациядан кейин 1 ойлик муддатдаги морфологик текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, тадқиқотнинг ушбу муддатида ксенотрансплантатнинг таркиби ва атрофдаги тўқималарда яллиғланиш

хужайраларининг йўқ бўлиши, камбиал гистиоцитар хужайраларнинг етук гистиоцитлар ва фиброцитларгача етилиши ва дифференциаллашуви кўринишидаги регрессив ҳолатларнинг ривожланиши рўй берди. Бириктирувчи хужайраларнинг бундай регрессив дифференциаллашуви яллиғланиш пролифератив инфильтрация ҳажмининг камайиши, ёш гистиоцитар хужайраларнинг фиброцит ва гистиоцитларгача тезда етилиши ҳамда толали қисмлар қалин тутамларининг ҳосил бўлиши билан кузатилди. Томирлар камайиб, уларнинг оралиғи торайиб борган, девори эндотелиал ва перицитар хужайраларнинг дифференциаллашуви туфайли юпқалашиб борган. Шунингдек, гемодинамик ва шишиш ҳолатлари барқарорлашган юпқа деворли томирларнинг миқдори камайган. Янги ҳосил бўлган бириктирувчи тўқима ва перикард таркибидаги толали қисмларнинг ҳажми кичрайган, алоҳида қаттиқ ва дифференциаллашган толали тутамларга айланиб (8-расмга қаранг), бир томондан суяк тўқимаси билан, бошқа томондан суяк дермаси билан мустаҳкам боғланган.

Шундай қилиб, кўй перикарди ксенотрансплантациясидан кейинги морфологик текширувлар динамикада шуни кўрсатдики, ўтказгандан кейинги эрта муддатларда маҳаллий тўқима томонидан тикланишнинг пролифератив яллиғланиш инфилтрати ривожланади, ўтказилган перикард томонидан эса юза қатламларнинг парчаланиши ва некрози, ўрта қаватларнинг яллиғланиш хужайралари билан инфильтрацияси кузатилади. Тадқиқотнинг кейинги муддатларида трансплантат тўқимали элементларнинг маҳаллий тўқимали элементлар билан силжиши ва яллиғланиш инфильтрацияси ҳажмининг камайиши, перикард таркибида лимфо-гистиоцитар хужайраларнинг фиброцитлар ва гистиоцитлар кўринишидаги етук хужайрали тузилмаларгача етилиши ва дифференциаллашуви, кейинчалик қалин толали қисмларнинг шаклланиши ва қопламали кўп қаватли эпителийнинг регенерацияси содир бўлади.

Диссертациянинг «**Ауто ва ксенотрансплантатларнинг қўллашнинг киёсий таҳлил натижалари**» деб номланган тўртинчи бобда сурункали ўрта отит касаллиги билан оғриган беморларни даволашда тимпаноластика жарроҳлик амалиётидан олдин ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврдаги текширувлар натижалари таҳлил қилинган. ЛОР-аъзоларини текшириш республика соғлиқни сақлаш тизимида қабул қилинган ва зарур отомикроскопик эндоскопик усулларни ўз ичига олган стандартларга мос равишда ўтказилган. Асосий эътиборимизни юқори нафас йўллари ва бурун ёндош бўшлиқларининг ҳолатига қаратдик.

1-жадвал

Сурункали ўрта отит билан хасталанган беморларда ёндош ЛОР-аъзоларининг касалликлари

ЛОР-аъзоларининг касалликлари	абс.	%
Вазомотор ринит	9	4,7
Сурункали гайморит	5	2,6

Бурун тўсиғини қийшайиши	31	16,4
Сурункали тонзиллит	15	7,9
Сурункали фарингит	23	12,2
Жами	83	43,8


Текширув натижаларимиз шуни кўрсатадики сурункали ўрта отитни ривожланишида бурун ва бурун ҳалқумдаги ўзгаришларни салбий таъсири аниқланди. Уларнинг 31 (16,4%) да бурун тўсиғини қийшайиши, 9 (4,7%)да вазомотор ринит, 15 (7,9%) сурункали тонзиллит, 23 (12,2%)да сурункали фарингит ва бошқа ЛОР аъзолари касалликлари аниқланди (9, 10, 11-расмларга қаранг).

9-расм. Г.бемор, 28 ёш. ташхиси: Икки томонлама сурункали ўрта отит. Бурун тўсиғи қийшайиши. Вазомотор ринит.	10-расм. Бемор А. 1985й. Д-з: Ўнг томонлама сурункали ўрта отит. Сурункали гипертрофик ринит.
---	---

Маълумки, бурун орқали сурункали нафас олишни қийинлиги ва бурун бўшлиғидаги сурункали инфекция, эшитув найида патоморфологик ўзгаришларни ривожланишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида эшитув найининг барофунцияси ва вентилияцион фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши ўрта қулоқ яллиғланиш жараёнини узоқ муддат давом этишига сабаб бўлади. Шунинг учун бу патологияларни эшитишни-яхшилаш жарроҳлик амалиётимизнинг самарадорлигига билвосита ва бевосита таъсирини ҳисобга олган ҳолда бу беморларда керакли консерватив ва лозим бўлса жарроҳлик даволари(септопластика 18 (58,06%), шиллик ости вазотомияси 5(55,6%)) бажарилди.

11-расм. Бемор Л. 1997. Ташхис: Чап томонлама сурункали ўрта отит. Эшитув найининг муртақларини носпецифик яллиғланиши, катталашини, қизариши
---

**Рентгенологик текширувда** аттик ва антрумда яққол бўлмаган ўзгаришлар аниқланди, буни эшитишни тиклаш жарроҳлик амалиётида ҳисобга олдик (12, 13, 14-расмлар).



12,13-расм. Бемор К. 1979й. Д-з: Бурун тўсиғи қийшиқлиги. Вазомотор ринит. 3Д рентгенологик текширувда бурун тўсиғи қийшиқлиги, пастки бурун чиғаноқлари гипертрофияси аниқланади.

14-расм. Бемор С. 1988й. Д-з: Икки томонлама сурункали ўрта отит. Бурун тўсиғи қийшиқлиги. Иккала сўрғиксимон ўсиқ антрал ва ноғора бўшлиғи шиллик қавати гиперплазияси

**Аудиологик текширувлар таҳлиллари.** Беморларда сўзлашув нутқи сўз билан текшиширишда ҳамма беморларда хар хил даражада сўзларни қабул қилишини пасайиши кузатилди. Текширув натижалари 2 жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Беморларининг жарроҳлик амалиётидан олдин шивирлаш нутқи ва сўзлашув нутқини қабул қилиш даражаси

№	Эшитиш масофаси	I гуруҳ (n=110)				II гуруҳ (n=79)			
		Шивирлаш		Сўзлашув		Шивирлаш		Сўзлашув	
		Абс.с.	%	Абс.с.	%	Абс.с.	%	Абс.с.	%
1	ad sonha дан 1м гача	76	69	-	-	54	68,4	-	-
2	1,1-3м	23	21	4	3,6	21	26,6	7	9



3	3,1-5 м	11	10	78	70,9	4	5	55	70
4	5-10 м	-	-	22	20	-	-	14	18
5	10,1-20 м	-	-	6	5,5	-	-	3	3

Шивирлаш нутқи (ШН)ни қабул қилиш масофасини 5 метр, СНни эшитиш масофасини 20 метрдан узоклигини нормал эшитиш масофаси деб ҳисобладик. Бу текширувларни натижалари беморнинг эшитиш паспортига киритилди ва С.З. Ромм мезонлари бўйича баҳоланди (2-жадвал га қаранг).

Юқорида келтирилган 2-жадвалдан кўриниб турибдики, шивирлаш нутқини қабул қилиш ҳамма беморларда – асосан 1 гуруҳда 76 нафар беморда (69%) шивирлаш нутқи adsonha дан 1м гача (2 гуруҳда 54 нафар беморда (68,4%)), 1,1-3 метр 1 гуруҳда 23 нафар бемор (21%)да (2 гуруҳда 21 нафар беморда (26,6%)), сўзлашув нутқини бузилиш ҳолати – асосан 3,1-5метргача 1 гуруҳда 78 нафар беморлар (70,9%)да (2 гуруҳда 55 нафар бемор (70%)да), кузатилди.

Кузатувимизда бўлган 1 ва 2 гуруҳ беморларининг ҳаммасида тонал бўсаға аудиометрияси жарроҳлик амалиётидан олдин барча беморларда ўтказилди. Тонал бўсаға аудиометрияси шуни кўрсатдики, барча беморларда хаводан бўлган ўтказувчанликни паст даражаларда кўпроқ пасайганлиги аниқланди (3,4-жадвал га қаранг).

3-жадвал

Сурункали ўрта отит билан хасталнган асосий гуруҳ беморларида жарроҳлик амалиётидан олдинги аудиологик кўрсаткичлар

1 гуруҳ n=110					
	30-35дБ	40-45дБ	50-55дБ	60-65дБ	70-80дБ
125	5	51	27	21	6
250	5	50	25	24	6
500	3	43	35	26	3
1000	2	30	34	37	7
2000	6	25	33	36	10
4000	6	26	35	34	9
6000	8	24	36	34	8
8000	9	21	34	35	11

1 гуруҳ беморларининг текширув натижалари шуни кўрсатдики 125-250 Гц частоталарида эшитиш бўсағаси 30-35дБ да ўртача 5 нафар, 40-45дб да 51 нафар, 50-55 дб да 26 нафар, 60-65дб да 23 нафар, 70-80дБда эса 6 нафар беморларда , 500-4000 гц частоталарда эшитиш бўсағаси 30-35дБ да ўртача 9 нафар, 40-45дб да 31 нафар, 50-55 дб да 34 нафар, 60-65дб да 33 нафар, 70-80дБда эса 7 нафар беморларда , 6000-8000 гц частоталарда эшитиш бўсағаси 30-35дБ да ўртача 9 нафар, 40-45дб да 23 нафар, 50-55 дб да 35 нафар, 60-65дб да 35 нафар, 70-80дБда эса 10 нафар беморларда аниқланди.

4-жадвал

Сурункали ўрта отит билан оғриган 2 гуруҳ беморларида жарроҳлик амалиётидан олдинги аудиологик кўрсаткичлар

2 гуруҳ n=79
--------------

	30-35дБ	40-45дБ	50-55дБ	60-65дБ	70-80дБ
125	3	31	32	9	4
250	3	35	30	8	3
500	4	37	24	9	5
1000	3	28	34	9	5
2000	4	28	35	10	2
4000	4	29	30	9	7
6000	5	27	28	12	7
8000	5	26	26	14	8

